

«РЎЙХАТГА ОЛИНДИ»

Тошкент шаҳар
Давлат хизматлари марказида
2024 йил «29» 10 кунги
№ 3251685- сонли реестр билан

ҚАЙТА РЎЙХАТГА ОЛИНДИ

«ТАСДИҚЛАНГАН»

«AGAT CREDIT mikromoliya tashkiloti»
МЧЖнинг
2024 йил 30/10 даги
Таъсисчилар умумий йиғилишининг
01 - сонли қарори билан

Умумий йиғилишнинг Раиси

(имзо қилиб)



«AGAT CREDIT Mikromoliya tashkiloti»

Масъулияти чекланган жамиятининг

УСТАВИ

Тошкент ш.
2024 йил

1 Умумий қондалар

1.1 «AGAT CREDIT mikromoliya tashkiloti» Масъулияти чекланган жамияти Фарғона шаҳар Давлат хизматлари маркази томонидан 2018 йил «10» сентябр кунги №681 сонли реестри ва №101913 тартиб рақами билан қайта рўйхатга олинган «Imkon Invest mikrokredit tashkiloti» Масъулияти чекланган жамиятининг ва Фарғона шаҳар Давлат хизматлари маркази томонидан 2023 йил «27» декабр кунги №2009919 сонли реестри билан қайта рўйхатга олинган «Microfin mikromoliya tashkiloti» Масъулияти чекланган жамиятларининг тўлиқ ҳуқуқий вориси ҳисобланади.

1.2 «AGAT CREDIT mikromoliya tashkiloti» Масъулияти чекланган жамияти Устави, қонун ҳужжатлари, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси «Масъулияти чекланган ҳамда кўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида»ги, «Нобанк кредит таъкилотлари ва молиялаштириш фаолияти тўғрисида»ги Қонушлари асосида қайта ишлаб чиқилган.

1.3 «AGAT CREDIT mikromoliya tashkiloti» Масъулияти чекланган жамиятининг (бундан буён матида «Микромолия таъкилотли» деб юритилади) Муассислари (кейинчалик матида «Муассис»):

Лагунин Сергей Валентинович Тошкент шаҳар Мирзо Улугбек тумани, Ломоноссов кўчаси, 12/14чи уйда яшовчи, 20 декабр 1973 йилда туғилган. Паспорт маълумотлари: АВ 2996777 Тошкент шаҳар ИИБ томонидан 22.04.2016 йил берилган.

Сабиров Алишер Джумамуратович Тошкент шаҳар, Мирзо Улугбек тумани, Чароғон кўчаси, 58В уйда яшовчи, 23 март 1965 йилда Фарғона вилоятида туғилган. ID карта: AD 1566938, Тошкент шаҳар ИИБ 26296 томонидан 19.07.2022 йилда берилган, ПИНФЛ 32303650270032;

Нишонов Хурсанжон Фарғона вилояти Учкўприк тумани, Тешакўрғон қишлоғида яшовчи, 16 август 1955 йилда Фарғона вилояти Учкўприк туманида туғилган. Паспорт маълумотлари: АВ 6631418 Фарғона вилояти Учкўприк тумани ИИБ томонидан 17.04.2017 йилда берилган;

Мамаджонова Дилфуза Ахмадалиевна Фарғона шаҳар, Шаршара 214 уйда яшовчи, 10 июл 1968 йилда Фарғона вилояти Богдад туманида туғилган. ID карта: AD 4700649, Богдад тумани ИИБ 30401 томонидан 25.09.2023 йилда берилган, ПИНФЛ 41007684200022;

Саидов Қамбар Асрорович Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани 5-мавзе 23-уй 11,12 хонадонда яшовчи, 10 апрел 1975 йилда Тошкент шаҳрида туғилган. ID карта: AD 2064660, Тошкент шаҳар ИИБ 26287 томонидан 22.11.2022 йилда берилган. ПИНФЛ 31004750360041;

Мамаджонов Бахтиёр Косимович Фарғона шаҳар, Шаршара 214 уйда яшовчи, 10 август 1962 йилда Фарғона вилояти Учкўприк туманида туғилган. ID карта: AD 5973677 Учкўприк тумани ИИБ 60521 томонидан 01.02.2024 йилда берилган. ПИНФЛ 31008624200095;

Кузахмедова Мавлода Хакимовна Фарғона вилояти Фарғона шаҳар, С.Темур кўчаси 66-уй 11 хонадон яшовчи фуқаро 24 май 1977 йилда Фарғона шаҳрида туғилган. Паспорт: АЛ 8655623 Фарғона вилояти Фарғона шаҳар ИИБ томонидан 10.02.2015 йил берилган;

Лагунин Артём Сергеевич Тошкент шаҳар Мирзо Улугбек тумани, Ломоноссов кўчаси, 12/14чи уйда яшовчи яшовчи фуқаро, 24.09.2001 йилда Тошкент шаҳрида туғилган. ID карта: AD 1413380 26296чи ИИБ томонидан 01.06.2022 йилда берилган. ПИНФЛ 52409010270668;

Райхерт Наталия Ивановна Тошкент шаҳар Мирзо Улугбек тумани, Ломоноссов кўчаси, 12/14чи уйда яшовчи фуқаро, ID карта маълумотлари: AD 2077767 24.11.2022 йил Тошкент вилояти ИИБ. ПИНФЛ 40102770450024;

Попова Нина Александровна. Норезидент. Россия Федерацияси, Екатеринбург шаҳар, Вайнер кўчаси, 15чи уй, 122 хонадонда яшовчи фуқаро. Чет эл паспорти маълумотлари: 76 серия 4175065, 25.03.2021 йилда РФ МВД 66002 томонидан берилган. Шахсий паспорт маълумотлари: 65 05 564112, 25.07.2005 йилда 662-001 УВД Ленинского района г.Екатеринбурга томонидан берилган; ПИНФЛ 41807608660015.

“TUNE CONSULTING” масъулияти чекланган жамият Тошкент шаҳар Юнусобод туман, 8-мавзе, 1-чи уй, 33-хонадон, 01.04.2009 йилда рўйхатдан ўтган, гувоҳнома рақами 4616-10, СТИР 301122020;

“LOTUS IMPACT FINANCE” акциядорлик жамияти. **Норезидент**. Грузия, Тбилиси шаҳар, Ваке тумани, Тирипеби кўчаси, 5-чи уй, 24.07.2023 йилда рўйхатдан ўтган, гувоҳнома рақами B23104437, СТИР (Грузиядаги) 405633845.

Микромолия ташкилотининг тўлиқ номи:

ўзбек тилида: «AGAT CREDIT mikrokmoliya tashkiloti» Mas’uliyati Cheklangan Jamiyati,

рус тилида: Общество с ограниченной ответственностью «**Микрофинансовая организация AGAT CREDIT**»,

инглиз тилида: «**Microfinance organization AGAT CREDIT**» Limited Liability Company.

Микромолия ташкилотининг қисқача номи:

ўзбек тилида: «AGAT CREDIT mikrokmoliya tashkiloti» MChJ,

рус тилида: ООО «**Микрофинансовая организация AGAT CREDIT**»,

инглиз тилида: «**Microfinance organization AGAT CREDIT**» LLC.

1.4 Микромолия ташкилотининг жойлашган манзили:

Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Улуғбек, Алпомиш М.Ф.Й, Буюк Ипак Йули кўчаси, 127-а уй.

1.5 Микромолия ташкилотининг фаолият муддати чекланмаган.

2 Микромолия ташкилотининг ҳуқуқий мақоми.

2.1 Микромолия ташкилоти ўз фаолиятини қонун ҳужжатларига ва бошқа меъёрий ҳужжатларга, ҳамда мазкур устав ва муассис шартномасига мувофиқ амалга оширади.

2.2 Микромолия ташкилоти қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан юридик шахс ҳисобланади.

2.3 Микромолия ташкилоти ўзининг мустақил балансида ҳисобга олинadиган алоҳида мол-мулкка эга бўлиб, ўз номидан ҳуқуқларини олиши, мажбуриятларга эга бўлиши, судда даъвогар ва жавобгар бўлиши мумкин.

Микромолия ташкилоти Ўзбекистон Республикасида ва унинг ташқарисида банкларда ўрнатилган тартибда ҳисобварақлар очиши мумкин.

2.4 Микромолия ташкилоти қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бошқа юридик шахсларнинг таъсисчиси бўлишига ёки уларнинг Устав фондида бошқача тарзда иштирок этишга, ваколатхоналар ва филиаллар тузишга ҳақлидир.

2.5 Микромолия ташкилоти ўз мажбуриятлари юзасидан ўзига қарашли барча мол-мулк билан жавобгар ҳисобланади ва ўз Муассисларининг мажбуриятлари юзасидан жавоб бермайди.

2.6 Микромолия ташкилоти ўзининг фирма номи ёзилган штампларига ва бланкаларига, ўз эмблемасига ва бошқа ўз белги-аломатларига эга бўлишга ҳақлидир.

3 Фаолият мақсади ва турлари

3.1 Микромолия ташкилотининг шакллантирилган Устав фонди **83 651 000 000 (саксон уч миллиард олти юз эллик бир миллион) сўмни** ташкил этади.

3.2 Микромолия ташкилотининг мақсади фойда олишдир. Микромолия ташкилотининг ягона фаолияти микромолиявий хизматлар кўрсатишдан иборат.

3.3 Ўз фаолият мақсадига эришиш учун Микромолия ташкилоти қуйидаги микромолиявий хизматларни амалга оширади:

- микромолиялаштириш фаолиятини амалга оширишга;
- тўлов агенти (субагенти) ёки банкларнинг, суғурта ва бошқа молия ташкилотларининг агенти вазифаларини амалга оширишга;
- ўзи амалга ошираётган фаолият билан боғлиқ маслаҳат ва ахборот хизматларини кўрсатишга;
- тадбиркорлик субъектларига микрокредит суммасидан ошадиган миқдорда кредитлар, лизинг, кафолатлар беришга, факторинг хизматлари ва исломий молиялаштиришга оид хизматлар кўрсатишга ҳақли.
- Исломий молиялаштиришга оид хизматлар деганда исломий молиялаштиришни амалга ошириш стандартларини белгиловчи халқаро ташкилотларнинг қоидаларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан ишлаб чиқилган тартибда кўрсатиладиган молиявий хизматлар кўрсатиши мумкин.

Микромолия ташкилоти ҳақли эмас бўлган амаллар:

- бевосита ишлаб чиқариш, суғурта, шунингдек савдо фаолиятини амалга оширишга, бундан исломий молиялаштиришга оид хизматлар кўрсатувчи микромолия ташкилотлари мустасно ва Қонунда назарда тутилмаган бошқа фаолиятни амалга оширишга;
- жисмоний ва юридик шахслардан омонатларни (депозитларни) жалб этишга;
- жисмоний шахс бўлган иштирокчилардан устав фондига (устав капиталига) киритилган ҳисса суммасидан ошадиган миқдорда қарз маблағларини жалб этишга (бундан облигациялар шаклидаги қарз маблағларини жалб этиш мустасно).

3.4 Қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда Микромолия ташкилоти микромолиявий хизматлар кўрсатиш фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Марказий банкидан лицензия олганидан кейин амалга оширади.

3.5 Микромолия ташкилоти ишлаб чиқариш, суғурта, савдо-воситачилик ва Уставида белгиланмаган бошқа фаолият билан бевосита шуғулланишга ҳақли эмас.

4 Микромолия ташкилотининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

4.1 Микромолия ташкилоти қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- шартномага мувофиқ мажбуриятларнинг қарз олувчи томонидан бажарилишини таъминлаш шarti асосида ёки шундай шартсиз микромолиявий хизматлар кўрсатиш;
- буюртма берувчига микромолиявий хизматлар кўрсатишни асослантирилган ҳолда рад этиш;
- микромолиявий хизмат кўрсатиш ва шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш учун зарур бўлган ҳужжатларни буюртма берувчидан сўраб олиш;
- тўлов ўз вақтида амалга оширилмаган ёхуд мақсадли Микромолиядан белгиланган мақсадда фойдаланилмаган тақдирда, мажбуриятларнинг қарз олувчи томонидан муддатидан олдин бажаралишини талаб қилиш;
- маслаҳат ва ахборот хизматларини кўрсатишга;
- Микромолия ташкилотининг қарз олувчилари томонидан мажбуриятлари бажарилмаганлиги ёки лозим даражада бажарилмаганлиги учун шартномага мувофиқ неустойка (пеня, жарима) миқдорини белгилашга;
- микромолиявий хизматлар кўрсатиш учун “Микромолия ташкилотлари тўғрисида”ги Қонунга мувофиқ маблағлар жалб этишга ҳақли;
- Микромолия ташкилоти қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

4.2 Микромолия ташкилоти:

- буюртма берувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тўғрисида, шу жумладан микромолиявий хизмат кўрсатиш билан боғлиқ барча ҳаражатлар, шунингдек кўрсатиладиган микромолиявий хизмат бўйича фоиз ставкаси тўғрисида буюртма берувчига ишончли ҳамда тўлиқ ахборотни маълум қилиши;
- шартномада белгиланган тартибда ва муддатларда микромолиявий хизматлар кўрсатиши;
- шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги ёки лозим даражада бажарилмаганлиги натижасида етказилган зарарларнинг ўрнини қарз олувчига қоплаши шарт;
- белгиланган энг кам миқдордан паст бўлмаган устав фондига эга бўлиш;
- молиявий ва касса операциялари ўтказиш қоидаларига, шунингдек белгиланган иқтисодий нормативларга риоя қилиши;
- Микромолия ташкилоти қонун ҳужжатларига ёки шартномага мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши ва унинг зиммасида бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

5 Микромолиявий хизматлар кўрсатиш учун маблағларнинг манбалари

5.1 Микромолия ташкилоти қуйидагилар ҳисобидан микромолиявий хизматлар кўрсатади:

- ўз маблағлари, шу жумладан олган даромадлари;
- инвесторлар, шу жумладан чет эллик инвесторлар томонидан инвестиция шартномалари асосида берилган маблағлар;
- банкларнинг кредитлари ва давлат мақсадли жамғармаларининг маблағлари;
- ҳалқаро молия институтлари, подавлат потижорат Микромолия ташкилотларининг, шу жумладан чет эл подавлат потижорат Микромолия ташкилотларининг грантлари ва қарз маблағлари;
- қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

6 Микромолия ташкилоти Устав фонди

6.1 Микромолия ташкилоти фаолиятини амалга ошириш мақсадида Муассисларнинг улушлари ҳисобидан **83 651 000 000 (саксон уч миллиард олти юз эллик бир миллион) сўм** миқдорда Устав фонди шакллантирилди.

6.2 Микромолия ташкилоти Муассисларининг Микромолия ташкилотининг Устав фондига киритилган ва ҳар бирига тегишли бўлган улушларининг миқдори ва номинал қиймати қуйидаги тарзда белгиланади:

№	Микромолия ташкилоти Муассислари	Улуши, сўмда	Улуши, %да
1.	Лагутин Сергей Валентинович	45 559 000 000,00	54,46%
2.	Собиров Алишер Джумамуратович	12 774 000 000,00	15,27%
3.	Лагутин Артём Сергеевич	7 982 000 000,00	9,54%
4.	Райхерт Наталья Ивановна	8 099 456 004,00	9,68%
5.	Нишонов Хурсанжон	2 751 000 000,00	3,29%
6.	Саидов Камбар Асрорович	2 136 000 000,00	2,55%
7.	Мамаджанов Бахтиер Қосимович	1 961 000 000,00	2,34%
8.	Кузахмедова Мавлюда Хакимовна	666 000 000,00	0,80%

№	Микромолия ташкилоти Муассислари	Улуши, сўмда	Улуши, %да
9.	Мамаджонова Дилфуза Ахмадалиевна	1 484 000 000,00	1,77%
10.	Попова Нина Александровна (РФ)	124 640 000,00	0,15%
11.	Tune Consulting МЧЖ	101 200 000,00	0,12%
12.	Lotus Impact Finance АЖ (Грузия)	12 703 996,00	0,02%
	ЖАМИ:	83 651 000 000,00	100,000%

6.3 Микромолия ташкилотининг Устав фонди пул маблағларидан, шунингдек мазкур Микромолия ташкилоти Устав фонди миқдорининг 20 фоизидан ошмайдиган бошқа мол-мулкдан шакллантирилади. Пул, қимматли қоғозлар, ўзга ашёлар ёки мулккий ҳуқуқлар ёхуд пул баҳосига эга бўлган бошқа шахсга ўтказиладиган ўзга ҳуқуқлар Микромолия ташкилотининг Устав фондига қўпиладиган Муассисларнинг ҳиссалари бўлиши мумкин.

Микромолия ташкилотининг Устав фондиди шакллантиришда кредитга, гаровга олинган пул маблағларидан ва бошқа жалб қилинган пул маблағларидан фойдаланишга йўл қўйилмайди.

Микромолия ташкилоти Устав фондига Муассис томонидан киритиладиган пуллик бўлмаган улушларнинг пул баҳоси Муассисларнинг умумий йиғилиши томонидан бир овоздан қабул қилинган қарори билан тасдиқланади.

6.4 Микромолия ташкилоти капиталининг старлилик коэффиценти микромолия ташкилоти жами хусусий капиталининг жами активларига нисбати орқали ҳисобланади ва ушбу коэффицент 10 фоиздан кам бўлмаслиги лозим.

6.5 Микромолия ташкилоти Устав фондидининг энг кам миқдори лицензия олиш учун мурожаат қилинган кунга қадар пул маблағлари билан шакллантирилган бўлиши керак.

6.6 Микромолия ташкилотининг Устав фонди миқдорини кўпайтириш ёки камайтириш Муассислар умумий йиғилиши томонидан қабул қилинган қарорга биноан амалга оширилади.

6.7 Микромолия ташкилоти Устав фондидининг оширилиши фақатгина Муассислар ўз улушларини тўлиқ киритганларидан сўнг амалга оширилиши мумкин. Микромолия ташкилоти Устав фондидининг кўпайтирилиши Муассисларнинг қўшимча улушлари ҳисобидан ва Микромолия ташкилоти мол-мулки ҳисобидан амалга оширилиши мумкин. Микромолия ташкилотининг Устав фонди Микромолия ташкилоти мол-мулки ҳисобидан кўпайтирилиши тўғрисидаги қарор ҳисобот йилининг якуни бўйича ҳолис аудитор томонидан тасдиқланган бухгалтерия балансига асосан қабул қилинади.

6.8 Микромолия ташкилоти ўз Устав фонди Микромолия ташкилоти Муассисларига тегишли бўлган улушларнинг номинал қийматини камайтириш ёки Микромолия ташкилотига тегишли бўлган улушларни тўлаш йўли билан камайтирилиши мумкин. Микромолия ташкилоти Устав фонди камайтирилиши тўғрисидаги қарор қабул қилинган кундан бошлаб ўттиз кун мобайнида Микромолия ташкилоти Устав фонди камайтирилиши ва унинг янги миқдори тўғрисида Микромолия ташкилотининг барча кредиторларини хабардор қилиши шарт ҳамда қабул қилинган қарор тўғрисидаги хабарни оммавий ахборот воситаларида эълон қилиши керак.

6.9 Микромолия ташкилоти Устав фонди миқдорини ўзгартириш ҳақидаги қабул қилинган қарори Уставга ва Микромолия ташкилоти Муассис Шартномасига тегишли ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилиб, давлат рўйхатидан ўтказилгандан сўнг Микромолия ташкилоти Муассислари учун кучга киради.

6.10 Микромолия ташкилоти Муассисларининг Устав фондига улушлари уларнинг

меросхўрларига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари бўйича ҳуқуқий ворисларига) ўтиши учун бошқа Муассисларининг розилиги керак эмас.

6.11 Микромолия ташкилоти Муассислари Микромолия ташкилотининг Устав фондига ўз улўшларини ёки унинг бир қисмини битта ёки бир нечта Микромолия ташкилоти Муассисларига сотиши ёки қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда воз кечиши мумкин. Бундай ҳолатда Микромолия ташкилотининг қолган Муассисларининг розилигини олиниши керак эмас.

6.12 Микромолия ташкилотининг Устав фондидаги улўшларнинг камида 10 фоизига эга бўлган Микромолия ташкилотининг Муассислари Микромолия ташкилоти олдида ўз мажбуриятларини қўпол равишда бузган, ўз ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) билан Микромолия ташкилотининг фаолият кўрсатишига имкон бермаётган ёки уни жиддий равишда қийинлаштираётган Муассисни Муассислар рўйхатидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда чиқарилишини сўраб судга мурожаат этишлари мумкин.

6.13 Микромолия ташкилотидан чиққан ёки чиқарилган Муассиснинг улўши Микромолия ташкилотини ҳисобига ўтади. Бундай ҳолатда Микромолия ташкилотидан чиққан ёки чиқарилган Муассисга унинг улўшининг ҳақиқий қийматини тўлаб берипи ёки Муассиснинг розилиги билан ушбу улўшнинг қиймати миқдоридаги Микромолия ташкилотининг тегишли мол-мулки натура шаклида 6 ой мобайнида Муассисга берилади. Микромолия ташкилоти ҳисобига ўтган улўш Микромолия ташкилотини ҳисобига ўтган вақтдан бошлаб бир йил мобайнида Муассисларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинган қарорга асосан қолган Муассислар ўртасида уларнинг Устав фондига қўпган улўшига мутаносиб равишда тақсимланиши ёки битта ёки бир нечта Муассисларга сотилиши лозим.

7 Фойдани тақсимлаш ва зарарларни қоплаш тартиби. Микромолия ташкилотининг фондлари

7.1 Микромолия ташкилотининг молия-хўжалик фаолияти натижасида вужудга келган фойда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўланганидан сўнг Муассислар ўртасида уларнинг Устав фондига киритган улўшларга мутаносиб равишда ва жамият устав фондига муассислар томонидан киритилган маблағлардан жамият томонидан фойдаланган қўнлар ҳисобини олган ҳолда ҳар чоракда ҳамда йил якуни бўйича тақсимланади. Фойданинг тақсимлаш тўғрисидаги қарор Муассисларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади.

7.2 Молия-хўжалик фаолияти юзасидан Микромолия ташкилотига келтирилган зарарлар ташкил этилган заҳира фонди ҳисобидан қопланади.

8 Муассисларнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарликлари

8.1 Микромолия ташкилотининг Муассислари қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- Ушбу Уставда, Муассис Шартномасида ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Микромолия ташкилоти ишларини бошқариш;
- Микромолия ташкилоти фаолиятдан тўшадиغان фойданинг тақсимланишида қатнашиш;
- Микромолия ташкилоти фаолияти ҳақида тўлиқ ахборотни олиш ва унинг бухгалтерия ҳисоботи ҳужжатлари билан белгиланган тартибда танишиб чиқиш;
- Қонун ҳужжатлари ва ушбу Уставда белгиланган тартибда Микромолия ташкилотининг Устав фондидаги ўз улўшини ёки унинг бир қисмини Микромолия ташкилоти битта ёки бир нечта Муассисларига сотиши ёки воз кечиш;
- Ўзи истаган вақтда қолган Муассисларнинг розилигига қарамасдан қонун ҳужжатлари ва Микромолия ташкилоти Муассис ҳужжатлари билан белгиланган тартибда Микромолия ташкилотидан чиқиш;
- Микромолия ташкилоти тугатилаётганда кредиторлар билан ҳисоб-китоблар амалга оширилгандан сўнг қолган Микромолия ташкилоти мол-мулкининг бир қисмини ёки унинг қийматини олиш;

- Қонун ҳужжатлари ҳамда ушбу Устав ва Муассис Шартномасида кўзда тутилган бошқа ҳуқуқларга эга бўладилар.

8.2 Микромолия ташкилоти Муассисларининг мажбуриятлари:

- Ушбу Уставда ва Микромолия ташкилотининг Муассис Шартномасида белгиланган тартибда, миқдорда ва муддатларда Микромолия ташкилоти Устав фондига ўз улушини киритиш;
- Микромолия ташкилоти Муассислари умумий йиғилишининг қарорларини ижро этиш;
- Микромолия ташкилоти фаолияти билан боғлиқ махфий маълумотларни ошкор қилмаслик;
- Ушбу Устав ва Микромолия ташкилотининг Муассис шартномаси қоидаларига риоя қилиш;
- Қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳамда ушбу Уставда ва Микромолия ташкилотининг Муассис шартномасида кўзда тутилган бошқа мажбуриятларни бажаришлари шарт.

8.3 Муассислар Микромолия ташкилоти мажбуриятлари бўйича, Микромолия ташкилоти эса Муассисларнинг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди.

8.4 Микромолия ташкилоти Муассислари Микромолия ташкилотининг мажбуриятлари бўйича ўзлари киритган улуплари доирасида жавобгар бўладилар.

9 Микромолия ташкилотининг бошқарув органлари

9.1 Муассисларнинг умумий йиғилиши Микромолия ташкилотининг олий бошқарув органи ҳисобланади. Кузатув Кенгаши – назорат органи ва Бош Директор – ижро этувчи орган раҳбари бўлиб ҳисобланади.

9.2 Муассисларнинг умумий йиғилиши мутлақ ваколатлари жумласига қуйидагилар қиради:

- Микромолия ташкилоти фаолиятининг асосий йўналишларини белгилаш, шунингдек тижорат Микромолия ташкилотларининг бошқа бирлашмаларида иштирок этиш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- Микромолия ташкилоти Устав фондининг миқдорини ўзгартириш;
- Ундириб олинишидан умид бўлмаган қарзлар, камомадлар, молдий-товар бойликларининг йўқолиши, маънавий эскирган асбоб-ускуналар ва воситаларни Микромолия ташкилоти балансидан чиқариш;
- Муассис ҳужжатларига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш. Уни янги таҳрирда қабул қилиш;
- Микромолия ташкилотининг ижро этувчи органларини тузиш ва уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;
- Микромолия ташкилотининг тафтишчисини сайлаш ва унинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;
- йиллик ҳисоботларни ва йиллик бухгалтерия балансларини тасдиқлаш;
- Микромолия ташкилотининг соф фойдасини Микромолия ташкилоти Муассислари ўртасида тақсимлаш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- Микромолия ташкилоти органларининг фаолиятини тартибга солувчи ҳужжатларни тасдиқлаш (қабул қилиш);
- аудиторлик текширувини ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилиш, аудиторлик Микромолия ташкилотлари ҳамда уларнинг хизматларига тўланадиган ҳақнинг энг кўп миқдорини белгилаш;
- ваколатхоналар ва филиалларни тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- Микромолия ташкилотини қайта ташкил этиш ёки тугатиш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- тугатиш комиссиясини тайинлаш ва тугатиш балансларини тасдиқлаш;
- Ўзбекистон Республикасининг «Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли чекланган жамиятлари тўғрисида»ги, «Микромолия ташкилотлари тўғрисида»ги,

«Микромолиялаш тўғрисида»ги Қонунида назарда тутилган бошқа масалаларни ҳал қилиш.

9.3 Муассисларнинг умумий йиғилиши бир йилда камида бир мартаба чақирилади. Микромолия ташкилоти Муассисларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши Микромолия ташкилоти Муассисларининг, Микромолия ташкилоти тафтишчисининг ҳамда Микромолия ташкилотининг ижро этувчи органи талабига биноан чақирилади.

9.4 Муассисларнинг умумий йиғилиши, агар унда Муассисларнинг тўртдан уч (3/4) қисми мавжуд бўлса, ваколатли (кворумга эга) деб ҳисобланади. Ушбу Уставнинг 8.2. банди учинчи ва 9.2. банди ўн иккинчи хатбопиларида кўрсатилган масалалар юзасидан қарорлар Микромолия ташкилотининг барча Муассислари томонидан бир овоздан қабул қилинади. Ўзбекистон Республикаси “Масъулияти чекланган ҳамда ҳамда кўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида”ги Қонуннинг 34-моддасига асосан бир овоздан қабул қилиниши зарур бўлмаган масалалар бўйича қарорлар иштирокчиларнинг камида учдан икки (2/3) қисмидан иборат кўпчилик овозлари билан қабул қилинади.

9.5 Микромолия ташкилотининг ҳар бир Муассиси Микромолия ташкилоти Муассисларининг умумий йиғилишида Микромолия ташкилотининг Устав фондидаги ўз улушига мутаносиб овозлар сонига эга бўлади.

9.6 Ҳар бир Муассис Муассисларнинг умумий йиғилиши чақирилиши тўғрисида унинг ўтказилишидан камида 30 кун олдин ёзма равишда ёки мавжуд алоқа воситалари орқали хабардор қилиниши шарт. Хабарномада Муассисларнинг умумий йиғилишига қўйилаётган кун тартиби масалалари кўрсатилади. Микромолия ташкилотининг ҳар бир Муассиси йиғилиш ўтказилишидан камида ўн беш кун олдин Муассисларнинг умумий йиғилишинининг кун тартибига кўшимча масалалар киритиш тўғрисида таклиф киритиш ҳуқуқига эга.

9.7 Микромолия ташкилотининг кундалик фаолиятига раҳбарлик қилиш учун коллегиял ижро этувчи орган – Директорлар Кенгаши, ва уни раҳбари этиб – Бош Директор тайинланади.

9.8 Бош Директор Муассисларнинг умумий йиғилиши қарорига кўра ўз лавозимига Нобанк кредит ташкилотлари ва микромолиялаштириш фаолияти тўғрисидаги қонунда белгиланган малака талабларига мувофиқ номзод тайинланади, унинг олдида ҳисобот беради ва йиғилиш томонидан қабул қилинган қарорларини бажарилишини таъминлайди.

9.9 Қуйидагилар Бош Директор ваколатига киради:

- Микромолия ташкилоти номидан ишончномасиз иш юритиш, шу жумладан унинг манфаатларини ифодалаш ва битимлар тузиш;
- Микромолия ташкилотининг Директорлар Кенгаши таркибига ўзгартиришлар киритиш;
- Микромолия ташкилоти номидан вакиллик қилиш ҳуқуқи учун ишончномалар бериш;
- Микромолия ташкилоти ходимлари (шу жумладан, Директорлар Кенгаши аъзолари) билан меҳнат шартномаларини тузиш ва уларни бекор қилиш, ходимларга нисбатан рағбатлантириш чораларини ва интизомий жазоларни қўллаш;
- бошқа қонун ҳужжатларида белгиланган ваколатларни ҳам амалга ошириш.

9.10 Микромолия ташкилоти ижрочи директорининг фаолият кўрсатиши, жавобгарлиги ва у томонидан қарорлар қабул қилиш тартиби қонун ҳужжатлари, Уставда, Микромолия ташкилотининг Муассис Шартномасида ҳамда Микромолия ташкилоти ва ижрочи директор ўртасида тузилган меҳнат шартномасида белгиланган тартибда амалга оширилади.

9.11 Микромолия ташкилотида кредит қўмитаси ташкил этилади. Кредит қўмитанинг таркиби Микромолия ташкилоти Муассисларининг умумий йиғилиши қарори билан тасдиқланган Кенгаш аъзолари томонидан тайинланади. Кредит қўмитасини Микромолия ташкилоти ижрочи директори бошқаради. Кредит қўмитасини фаолияти Микромолия ташкилоти Муассисларининг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланадиган низомга мувофиқ амалга оширилади.

10 Микромолия ташкилоти фаолиятини назорат қилиш, ҳисоб ва ҳисоботни олиб

бориш тартиби

10.1 Микромолія ташкилотининг молиявий ҳужжатлари ишончлилиги ва бухгалтерия ҳисоботини олиб бориш тартиби ўрнатилган талабларга мослигини текшириш учун Микромолія ташкилоти Муассисларининг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинган қарорга асосан Микромолія ташкилотининг аудитори (тафтишчи) сайланади.

10.2 Аудитор (Тафтишчи)нинг ҳуқуқлари:

- Микромолія ташкилоти мансабдор шахсларидан бухгалтерия, молия ва бошқа турдаги Микромолія ташкилоти фаолияти билан боғлиқ ҳужжатларни сўраб олиш;
- Муддатдан ташқари Микромолія ташкилоти Муассисларининг умумий йиғилишини чақириш.

10.3 Аудиторнинг мажбуриятлари:

- Микромолія ташкилоти фаолиятини текшириш;
- Текшириш натижаларини Микромолія ташкилоти Муассисларининг умумий йиғилишига тақдим этиш.

10.4 Микромолія ташкилотининг йиллик ҳисоботлари ва балансларига аудитор ўз хулосаларини бериши лозим. Микромолія ташкилоти йиллик балансини аудитор хулосасисиз тасдиқлаш таъқиқланади.

10.5 Микромолія ташкилоти ўз фаолияти натижаларини бухгалтерия ва статистика ҳисоботини Ўзбекистон Республикасининг қонун ва меъерий ҳужжатларига мувофиқ амалга оширади.

10.6 Микромолія ташкилотининг фаолият якунлари белгиланган тартибда тузиладиган ҳисоботларда акс эттирилади.

11 Микромолія ташкилотида ички аудит хизмати

11.1 Микромолія ташкилотида активларнинг баланс қиймати бир миллиард сўмдан ортиганда Микромолія ташкилоти юқори бошқарув органининг қарори билан ички аудит хизмати ташкил этилади.

11.2 Ички аудит хизмати Микромолія ташкилотининг фақат юқори бошқарув органига ҳисобдордир. Ички аудит хизматининг раҳбари ва бошқа ходимлари Микромолія ташкилотининг юқори бошқарув органи томонидан тайинланади.

11.3 Ички аудит хизмати Микромолія ташкилоти ижро этувчи органи ва филиаллари иштини улар томонидан қонун ҳужжатларига, таъсис ҳужжатларига ҳамда бошқа ҳужжатларга риоя этилишини, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботида маълумотлар тўғри ҳамда тўлиқ акс эттирилишини таъминланишини, молия-хўжалик фаолиятларини амалга оширишга доир белгиланган қоидалар ва тартиб-таомилларни, шунингдек активлар бут сақланишини текшириш ва мониторинг қилиш йўли билан назорат қилишни ҳамда баҳолашни амалга оширади.

12 Микромолія ташкилотининг филиали

12.1 Микромолія ташкилоти Ўзбекистон Республикаси “Нобанк кредит ташкилотлари ва микромоліялаштириш фаолияти тўғридаги” Қонун ва Марказий банки томонидан белгиланган тартибда филиаллар ташкил этишга ҳақли.

12.2 Микромолія ташкилотининг филиали ўз фаолиятини Микромолія ташкилоти учун берилган лицензия асосида амалга оширади.

13 Микромолія ташкилоти ҳужжатларини сақлаш

13.1 Микромолія ташкилоти куйидаги ҳужжатларни доимий сақлаши шарт:

- Микромолія ташкилотининг таъсис ҳужжатлари, шунингдек Микромолія ташкилотининг таъсис ҳужжатларига киритилган ҳамда белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган ўзгартишлар ва қўшимчаларни;

- Микромолия ташкилоти Муассислари йиғилишининг Микромолия ташкилотини ташкил этиш ва Микромолия ташкилотининг Устав фондига қўшиладиган пулсиз ҳиссаларининг пул баҳосини тасдиқлаш тўғрисидаги қарорини, шунингдек Микромолия ташкилотини ташкил этиш билан боғлиқ бошқа қарорларни ўз ичига олган баённомасини;
- Микромолия ташкилоти давлат рўйхатидан ўтказилганлигини тасдиқловчи ҳужжатларни;
- Микромолия ташкилотининг ўз балансида турган мол-мулкка бўлган ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатларни;
- Микромолия ташкилотининг филиаллари ва ваколатхоналари тўғрисидаги низомларни;
- Микромолия ташкилоти Муассислари умумий йиғилишларининг ва Микромолия ташкилотининг тафтиш комиссияси мажлисларининг баённомаларини;
- Микромолия ташкилоти тафтиш комиссиясининг ва аудиторлик Микромолия ташкилотининг хулосаларини;
- қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳужжатларни.

13.2 Микромолия ташкилоти ушбу Уставнинг 13.1. бандида назарда тутилган ҳужжатларни ўзининг ижро этувчи органи жойлашган ерда ёки Микромолия ташкилоти Муассисларига маълум бўлган ва улар учун қулай бўлган жойда сақлайди.

14 Микромолия ташкилотларида ахборотнинг махфийлиги

14.1 Микромолия ташкилоти ўз қарз олувчилари ва кредиторларининг молиявий операциялари ҳамда ҳисобварақлари бўйича ахборотнинг махфийлигини кафолатлайди. Микромолия ташкилотининг бошқарув органи аъзолари, ички аудит хизмати ва ижро этувчи орган ходимлари Микромолия ташкилотининг, унинг қарз олувчиларининг операциялари ва ҳисобварақлари бўйича, шунингдек кредиторлар билан операциялар бўйича сирни сақлаш шарт.

14.2 Махфий ахборот ўзига ишониб топширилган ёки хизмат вазифасини бажариши муносабати билан бу ахборот ўзига маълум бўлиб қолган шахслар уни ошкор этганлик учун белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

14.3 Микромолия ташкилотига нисбатан банк сирини тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгиланган қоидалар қўлланилади.

15 Микромолия ташкилотининг қайта ташкил этилиши ва тугатилиши

15.1 Микромолия ташкилотининг қайта ташкил этилиши (бирлаштириши, қўшилиши, ажралиб чиқиши, бўлиниши, қайта тузилиши) ва тугатилиши Муассисларнинг умумий йиғилишининг қарорига биноан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

15.2 Тугатилиши билан боғлиқ масалаларни ҳал қилиш учун Муассисларнинг умумий йиғилиши томонидан тугатиш комиссияси тузилади. Тугатиш комиссиясига тайинланган вақтдан бошлаб Микромолия ташкилоти ишларини бошқариш бўйича ваколатлар ўтади. Тугатиш комиссияси Микромолия ташкилотининг мол-мулкни баҳолайди, унинг дебитор ва кредиторларини аниқлайди ва улар билан ҳисоб-китобларни амалга оширади, тугатиш балансини тузиб чиқади ва уни Муассислар умумий йиғилишига тақдим этади.

15.3 Микромолия ташкилоти тугатилиши тўғрисида хабарнома матбуотда эълон қилинади.

15.4 Микромолия ташкилоти ходимларига иш ҳақи, бюджет ва нобюджет фондлари, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар, кредиторлари ва дебиторлари билан ҳисоб-китоблар тамомланганидан сўнг Микромолия ташкилотининг қолган мол-мулки ва пул маблағлари Муассисларнинг Устав Фондига қўшган улушига мутаносиб равишда Муассислар ўртасида тақсимланади.

15.5 Микромолия ташкилоти ягона давлат реестрига тегишли ёзувлар киритилган вақтдан бошлаб Микромолия ташкилотининг тугатилиши яқунланган, Микромолия ташкилоти эса ўз фаолиятини тамомлаган деб ҳисобланади.

15.6 Уставда тартибга солинмаган масалалар қонун ҳужжатлари асосида ҳал қилинади.

«AGAT CREDIT mikromoliya tashkiloti» маъсуляти чекланган жамияти

муассислар умумий

йиғилиши Раиси:

Сергей Валентинович Лагутин



Собиров Алипер Джумамуратович



Лагутин Артём Сергеевич



Райхерт Наталья Ивановна



Нишонов Хурсанжон



Саидов Қамбар Асрорович



Мамаджонов Бахтиёр Қосимович




Кузахмедова Мавлюда Хақимовна



Мамаджонова Дилфуза Ахмадалиевна



Попова Нина Александровна



Убайдуллаев Н.Ш.
«TUNE CONSULTING» LTD



Бақурадзе А.
«LOTUS IMPACT FINANCE» LLC



СВИДЕТЕЛЬСТВО

О государственной регистрации юридического лица



Юридическое лицо

**ОБЩЕСТВО С ОГРАНИЧЕННОЙ ОТВЕТСТВЕННОСТЬЮ МИКРОФИНАНСОВАЯ
ОРГАНИЗАЦИЯ "AGAT CREDIT"**

Полное наименование юридического лица - хозяйствующего субъекта с указанием организационно-правовой формы

ООО МФО "AGAT CREDIT"

Сокращенное наименование юридического лица

304 463 924

Идентификационный номер налогоплательщика

Организация (реорганизация, иная регистрация, изменение сведений)

07.12.2016

Дата

2009919

Подтвержден

Организационно-правовая форма:

ОБЩЕСТВО С ОГРАНИЧЕННОЙ ОТВЕТСТВЕННОСТЬЮ

Место осуществления деятельности:

**ГОРОД ТАШКЕНТ, МИРЗО-УЛУГБЕКСКИЙ РАЙОН, УЛУГБЕК, ALPOMISH MFY, BUYUK IPAK
YO'LI KO'SHASI, 127-A-UY**

Свидетельство выдано:

MIRZO ULUG`BEK TUMANI DAVLAT XIZMATLARI MARKAZI

3251665



Yuridik shaxsni davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risidagi



GUVOHNOMA

Yuridik shaxs

"AGAT CREDIT" MAS'ULIYATI CHEKLANGAN JAMIYAT MIKROMOLIYA TASHKILOTI

Tashkiliy-huquqiy shakli ko'rsatilgan holda yuridik shaxs - tadbirkorlik subyektining to'liq nomi

"AGAT CREDIT" MCHJ MMT

Yuridik shaxsning qisqartirilgan nomi

304 463 924

Soliq to'lovchining identifikatsiya raqami (STIR)

Tashkil etish (qayta tashkil etish, boshqa ro'yxatga olish, axborotni o'zgartirish)

07.12.2016

Sana

2009919

Tasdiqlandi

Tashkiliy-huquqiy shakli:

MAS'ULIYATI CHEKLANGAN JAMIYAT

Faoliyatni amalga oshirish joyining manzili:

TOSHKENT SHAHRI, MIRZO ULUG`BEK TUMANI, ULUG`BEK, ALPOMISH MFY, BUYUK IPAK YO`LIKO`CHASI, 127-A-UY

Tomonidan berilgan:

MIRZO ULUG`BEK TUMANI DAVLAT XIZMATLARI MARKAZI

3251665

